Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

...зета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 217 (7. 306) 1990 йил 22 сентябрь, шанба Баҳоси 3 тийин.

1. 000. 000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

Жумҳурият Давлат статистика комитетининг бу хабари Ўзбекистоннинг бутун аҳолисини қувонтиради: 22 сентябргача давлат хирмонига бир миллион тоннадан кўпроқ пахта топширилди.

Мутасаддилар фикрича...

Ширкат қаерга жойлашсин?

⊙ Кейинги вақтда шаҳарда турли хил ташкилотлар, ширкатлар, қўшма корхоналар, тижорат фирмалари, жамоат ташкилотлари, жамоат жамғармаларининг бўлимлари ва ҳоказолар кўплаб ташкил этилмоқда.

Кўп ҳолларда уларни қайд этишнинг адлия жараёнини Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг назаридан четда ўтказишмоқда. Бу эса жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарорига зиддир. Бу ташкилотларнинг барчаси қонда бўйича шаҳар Совети ижроия қўмитасига илтимослар билан мурожаат қилишади. Баъзан эса уларга тегишли бинолар ажратиб беришни талаб этишади.

Бу масала қандай ҳал этилиши зарурлиги тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Л. А. Костин мухбиримизга гапириб берди.

— Ширкатлар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар ташкил этилгандан бошлаб уларни жойлаштириш тўғрисидаги масалани шаҳарнинг район Советлари ижроия қўмиталари ҳал қилиб келишган эди, — деди Леонид Андреевич. — Бироқ шаҳарда бу масалада катта тушунмовчилик келиб чиқди. Ташкил этилган бу ташкилотларнинг кўпчилиги, шу жумладан давлат ташкилотлари ҳам шаҳар Совети ижроия қўмитасига баъзи ташкилотларга бино берасизлару, бошқаларига эса йўқ, деб таъна қила бошлашди. Бошқа хилдаги кўпгина баҳслар ҳам туғилмоқда. Жумладан, бу одамлар истиқомат қилмайдиган биноларни у ёки бу ташкилотнинг эгаллаши ҳуқуқига доирдир. Оқибатда бу масалада ишларни тартибга солиш кўндаланг турибди.

— Бунинг учун нималар қилинди?

— Бизнинг илтимосимизга мувофиқ Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ўтган йилнинг ўрталаридаёқ Тошкент шаҳрида одамлар яшамайдиган бинолардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. У негадир шу пайтгача кўпчиликка кенг маълум бўлмади. Ҳолбуки бугунги кунда янги ташкилотларнинг кўплаб ташкил этилиши буни талаб этмоқда. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, маъмурий ва одамлар истиқомат қилмайдиган биноларни зудлик билан ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, асраб-авайлаш мақсадида Тошкентда 1989 йил 1 августдан бошлаб шаҳар ташкилотларини жойлаштириш тўғрисидаги низом жорий этилди. Унга кўра халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг фармойиши (қарори) асосида берилган ордергина одамлар истиқомат қилмайдиган бинони эгаллаш учун ягона асос бўлиб хизмат қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасига ана шу қарорга кўра қайси идорага бўйсинишидан қатъи назар маъмурий ва одамлар истиқомат қилмайдиган бинолардаги ортиқча, (белгиланган нормага зид бўлган) майдонларни шаҳар эҳтиёжлари учун улардан фойдаланиш мақсадида амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақсимлаш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, маъмурий ва одамлар истиқомат қилмайдиган биноларни тақсимлаш, шаҳарда янги ташкилотларни тузиш ва ишлаб турган ташкилотларни шаҳар ташқарисига чиқариш масалалари бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

— Комиссия тўғрисида батафсилроқ гапириб беролмайсизми?

— Марҳамат. Комиссиянинг мақсад ва вазифалари унинг номидан ҳам яққол кўриниб турибди. Бу комиссия доимий ишловчи комиссиядир. Унинг зиммасига шаҳар Совети ижроия қўмитаси мажлисларида кўриб чиқиладиган материалларни тайёрлаш ва вазирликлар ва идоралар, Тошкент шаҳар Совети қўмиталари, бош бошқармалари ва бошқармалари таклифига кўра тегишли қарорлар, буйруқлар қабул қилиш, шунингдек район Советлари ижроия қўмиталари таклифларини ва шаҳар ташкилотларининг аризаларини кўриб чиқиш вазифаси юкланган. Комиссияга ўз мажлисларида вазирликлар ва идоралар район Советлари ижроия қўмиталари, корхона ва ташкилотларнинг шаҳардаги биноларни тақсимлаш масалалари бўйича масъул вакилларини таклиф этиш ва ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқи берилган. Комиссия хулосалари у ўтказган мажлис протоколи асосида расмийлаштирилади ва барча манфаатдор ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади.

— Демак, у ёки бу ташкилот бинони фақат шаҳар Совети ижроия қўмитасининг ордери билангина эгаллай олади, шундайми? Бу ордер текинга бериладими?

— Йўқ. Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг ўша қарорида шу нарса аниқ-равшан айтилганки, бу ордер 200 сўм туради.

— Ҳозиргача қанча ордер берилади?

— Бино ижарачиларига ҳозиргача 300 дан зиёд ордер берилди. Уларда ижара муддатлари аниқ кўрсатилган. Бу муддат 1 йилдан 5 йилгачадир. Ана шу муддат ўтгандан сўнг ижарачилар ўзлари эгаллаб турган бино майдонини бўшатиб қўйишлари шарт.

— Улар кейин қаёққа бош уришади?

— Ижара мобайнида улар ўз биноларини қуриб олишлари лозим.







Шаҳримизда ўз ишининг фидойилари кўп. Шулардан бири Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бичиқчиси Маҳфуза Зукуровадир.

Шоҳруҳ Аҳмедов эса Тошкентдаги подшипниклар ремонти заводида мурватлар сифатини ошириш учун жон куйдирмоқда.

«Шарқ» тери-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадамларидан бири Фердаус Билолова эса мазкур корхонада 20 йилдан буён самарали ишлаб келяпти. У кўпгина ёшларга касб сирларини ўргатди. Бундай илғорлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани қувончлидир.

Т. Каримов, Ҳ. Солиҳов ва И. Шербек суратлари.

Обуна—91:

Таклифлар, истаклар

Ҳолида МУСАБОЕВА,
22-мактаб ўқитувчиси.

— Бозор иқтисодиёти шароитига биринчилардан бўлиб матбуот органлари ўтибди, десак хато бўлмас. Битта рўзноманинг ҳозирги баҳосига илгари икки-уч хил нашрларга ёзилса бўларди.

Муштарий танлашда энди сарасини олар экан, муҳарририятлар жамоаси олдида катта масъулият туради. Бир сўз билан айтганда муҳарририят эътибори келгуси йил қиладиган режаларининг пишиқпухта ва аниқ асосга эга бўлишига қаратилиши керак. Масалан мени «Оқшом»нинг кўпдан бери мухлиси бўлганим учун унда ёритилиши мўлжалланадиган мавзулар қизиқтиради. Рўзнома иш йўналишини қай тарзда олиб бормоқчи, ким уларга ҳомийлик қилади, бозор иқтисодиётига ўтмаса баҳоси ошмасмиди? Мана шу саволларга мен рўзнома орқали жавоб олишни истардим. Бирдан-бир истагим «Тошкент оқшоми» ҳозиргидек ўқимишли кўринишини йўқотмаса, ахлоқ-одоб, тарбия мавзуидаги бой мақолалари савиясини янада ошириб борса. Келгуси йил учун обуна қизғин кетаётган бир паллада «Оқшом» ижодкорлари ўз муштарийлари сонини йўқотмаслигига, балки қайта имкониятлар очиб янги-янги мавзудаги мақолалар беришига ишонаман.

Бахтиёр САХАТОВ,
Бўстонлиқ район озиқ-овқат идораси хизматчиси.

— Иқтисодиётимизда оғир жараён кечаётган бир паллада нарсаларнинг бирин-кетин харид нархи ошиб бораётганини тез-тез эшитиб турибмиз. Мана навбат матбуот органларига ҳам етиб келибди. Мамлакатда қоғоз етишмаслиги бу ўринда асосий важ қилиб кўрсатилади. Бироқ исрофгарчилик орқасидан уюлиб ётган қанчадан-қанча қоғоз-чи?! Буни ким, қаерда қатъи назорат қилади. Қоғозни йўқ дея туриб, бор имкониятдан фойдаланмасак албатта бунинг иложи топилиши қийин.

Шахсан ўзим ҳар йили биринчи бўлиб «Тошкент оқшоми» рўзномасига ёзилардим. Тўғри, рўзнома пойтахт шаҳриники. Лекин унда ёритиладиган одоб, ўгит, оқил гаплар биз қишлоқ аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Айниқса, «Шанба оқшоми»нинг ранг-баранг, бири-биридан мароқли материалларга бой бўлиши, ундаги фельетон, ҳажвия ва суд очеркларининг бериб борилиши ҳар бир муштарийнинг кўнглидаги гап. Пойтахт янгиликлари, жойлардаги ишлар ёки камчиликлар ҳақида батафсил билибгина қолмай, «Оқшом» кулги-хонасида ичакузди аскияларни, икир-чикир қизиқ воқеаларни мароқ билан ўқиб дам оламиз. Рўзноманинг «бола»си «Маҳалладош» ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ гап айтса бўлади.

«Оқшом»нинг доимий мухлиси бўлганим учун ҳам дилимдагини тилимга чиқариб айтмасам бўлмас. Оддий бир муштарий сифатида мени рўзноманинг тўртинчи бетидаги керак ва нокерак эълонлар эътиборимни тортиб келади. Шуни кундалик сонда бериш шартмикан? Ўрнига ички саҳифалардаги чиройли мақолаларни олиб чиқиб давом эттиришнинг иложи йўқмикан?! Умуман мени кўпдан бери бир нарса, яъни рўзнома даромади қандай ва у бўлса қаерга бориб тушади деган саволлар ҳам қизиқтиради. Табиийки, мен масалан ойлар, йиллар давомида мунтазам эълонлар берадиган мазкур рўзномада даромад кўп бўлса керак деб ўйлайман.

Қишлоғимиздаги кўплаб хонадонлар қатори бизнинг оиламиз ҳам бу йил яна «Оқшом»га ёзилдик. Ҳаммамиз бирлашиб, обуна баҳоси гарчи ошиб кетган бўлса ҳам суюкли рўзномадан ажрала ололмаймиз, деган қарорга келдик.

Мусобақа ғолиблари

⊙ **БУ ЙИЛ гўзал ўлкамиз бўйлаб қизиқарли саёҳатлар уюштирилмоқда.** Саёҳатчиларга яхши шарт-шароитлар муҳайё этиш, намунали хизмат кўрсатиш йўлида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Туризм ва саёҳатлар ишлаб чиқариш бирлашмалари, туристик хўжаликларнинг бу каби яхши фаолиятлари жумҳурият бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақада алоҳида ҳисобга олинмоқда. Ана шу ўзаро беллашувнинг ярим йиллик якунида ҳам қатор жамоалар жўшқин фаолиятлари юқори баҳоланди.

Шаҳримиздан ҳам бир неча илғор жамоа ғолиблар қаторидан ўрин олди. «Чорсу» ва «Саёҳат» меҳмонхоналарига қарашли «Тошкент турист» ишлаб чиқариш бирлашмалари бундай ишончга сазовор бўлдилар.

Масъулиятли вазифа

⊙ **ТОШКЕНТ тажриба таъмирлаш механика заводи жамоаси жумҳурият давлат ва жамоа хўжаликларини қудратли техникалар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бир қаторда уларнинг техникаларини таъмирлаш билан ҳам шуғулланади.**

БУГУН жамоа жумҳуриятимизнинг қатор вилоятлари Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сурхон водийсига гидропресслар, комбайнлар ва эҳтиёт қисмлар юборди. Жамоада 164 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Йил охиригача яна 62 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Ёш мусаввир кўргазмаси

⊙ **Ю. А. ГАГАРИН номли тўқимачилар санъат саройида истеъдодли ёш мусаввир В. Четриковнинг шахсий кўргазмаси очилди.**

Мусаввир чизган тасвирлар кишиларни она табиатга меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди. У бир неча йиллардан бери бу санъат масканидаги халқ студиясида ижод қилиб келмоқда. Унинг кўргазмаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Бугунги сонда:

ТАНДИРЧИЛАР

Халқимиз қўли гул меъморларининг бутун жаҳонга довруғ таратганлигидан хабарингиз бор. Ўзбек санъати ва маданияти намояндаларининг маҳоратига етти иқлим мамлакатлари ҳалқлари қарсак чалганликларини ҳам эшитгансиз. Лекин биз Сизга ўзбек тандирсозларининг довруғи океан ортига—Канадага ҳам етиб борибди десак бу гапга балки ишонмассиз. Лекин бу гапимиз чин ҳақиқатнинг ўзгинаси. Дарҳақиқат тошкентлик тандирсоз Абдуҳаким ака Тошмуҳамедовнинг тандири Канадага жўнатилганлиги бор гап. Шу баҳона мухбиримиз Тошмуҳамедовлар сулоласи иши билан танишди ва улар меҳнатини қоғозга туширди...

⊙ 2-саҳифада.

ХЎРЛАНГАН ОНА

«Тошкент оқшоми» муҳарририятига жуда ҳам паст бўйли, сочларига оқ оралаган бир аяхон хафа бўлиб кириб келдилар. Улар ўз сўзларида бу ерга нажот сўраб келганликларини, кўчада қолганликларини, ўз уйидан қувғинга олинганликларини, додини кимга айтишни билмай юрганликларини билдирдилар.

«Оқшом» мухбири аяхоннинг ана шу шикояти билан батафсил танишди. Ва Иттифоқимиздаги минглаб гипофизор (пакана) аёллар ичида учинчи аёл сифатида Турсуной опанинг бўйнига ўлимни олиб фарзанд кўрганлиги, охир-оқибатда шу яккаю-ёлғиз фарзанди ва келинидан хўрлик кўргани билан боғлиқ воқеалардан хабардор бўлиб қайтди.

⊙ 2 ва 3-саҳифаларда.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

1991 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна кетаётган шу кезларда кўпгина «Оқшом» муштарийларидан муҳарририятга келган мактубларда келгуси йилда ҳам рўзнома ҳафталик «Ойнаи жаҳон» кўрсатувларини бериб борадими, деган савол билан мурожаат қилмоқдалар. Биз мухлисларимизнинг кўнгиллари хотиржам бўлишларини эслатиб шуни айтамизки, «Оқшом» рўзномаси бир неча йиллик ўз анъанасига содиқ қолиб келгуси йилда ҳам ҳафталик кўрсатувлар режасини тўла ҳолида бериб боради. Келгуси ҳафта кўрсатувлари режаси билан танишсангиз 25 сентябрдан 30 сентябргача намойиш этиладиган кўрсатувлардан хабардор бўласиз...

⊙ 4-саҳифада.

Анъаналар—халқ мулки

АССАЛОМ, МЕҲРЖОН!

ОДАМЛАР ўртасидаги ўзаро меҳр-мурувватга нима етсин! Лекин ҳақли бир савол туғилади: нега бизнинг айни шу кунларимизда меҳр-шафқат ва мурувват тобора камайиб бормоқда. Яхшиямки қайта қуриш шабадалари эсди. Шу туфайли маънавийлик, миллий маданиятни ривожлантириш, халқ удум ва анъаналарини тиклаш борасида қадамлар қўйила бошланди. Бунга мисол қилиб шу йилнинг баҳорида бутун жумҳуриятимиз ҳудудида кенг нишонланган Наврўз байрамини олайлик. Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган асарида тилга олиб ўтганларидек, «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон заминнинг икки кўзидир». Мана бугун ниҳоят Меҳржон бизнинг Она заминимизга ўзининг саховатли қадамини ташлади. Исми жисмига монанд бу удумимиз чиндан ҳам Она заминнинг саховати, сахийлиги, инсонга муруввати демакдир. Бугун эрта тонгданоқ шаҳримиз марказидаги М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида янграган карнай ва сурнай садолари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонларини Меҳржон байрамига чорлади. Боғда қадимий инсонпарвар удумимиз — Меҳржонга бағишланган театрлаштирилган тадбирлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Биз шу тадбир жонкуярларидан бири, элшунос олим Билол Аминов билан суҳбатда бўлдик.

— Бу байрам Она заминга, Бободеҳқонга, Ҳосилойга, Ҳосилбекка, табиатга, меҳнаткаш инсонларга таъзимдир. Истироҳат боғининг уч жойида ташкил этилган рамзий чойхоналарда нуроний отахонлар, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган кишилар инсоний урф-одатларимиз ва маросимларининг аҳамияти ҳақида дилдан суҳбатлар ўтказмоқдалар, бадиий-ҳаваскорлик жамоаларининг аъзолари ўз санъатлари билан бйрам файзига файз қўшмоқдалар. Жумҳуриятимиз олтин кузи неъматларини айтмайсизми! Тошкент шаҳар маданият Бош бошқармаси, М. Горький номидаги истироҳат боғи, шаҳар овқатланиш Бош бошқармаси ва байрамни ўтказишга мутасадди бўлган ҳамма-ҳамма унда жонбозлик кўрсатмоқда. Меҳржон байрами эртага ҳам давом этади.



⊙ Меҳри гулдек товланиб...

Дардларга малҳам

⊙ Рўзноманинг шу йил 17, 18 сентябрь сонларида Лангар кўчасидаги 72-бошн берк кўчада жойлашган Сомон бозорда рўй берган ёнғин ҳақида хабар қилинган эди. Кеча мухбиримиз ана шу ёнғиндан талафот кўрганлар ҳузурида бўлиб, уларга қандай ёрдам кўрсатилаётганлиги билан қизиқди.

СОМОН бозорида бўлганимизда ота-боболаримизнинг ўт балосидан, сув балосидан даҳшатли нарса йўқ деган сўзларини яна бир бор эсладик. Ҳақиқатан ҳам арзимаган ёнғиндан чиққан ўт Сомон бозори атрофидаги дўкончаларни ва ўнга яқин уйларни харобага айлантирган эди. Уйлари, кийим-кечаклари, уй-рўзғор буюмларидан ажралган оилалар бугунги кунда нима қилишаётган экан? Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан тузилган штаб уларга зарур ёрдам кўрсатмоқда, бошпанасиз қолган оилаларнинг дардига малҳам бўляпти.

— Мана ўзингиз кўриб турибсиз, — дейишди Лангар кўчасидаги 127-уйда истиқомат қилган Авазовлар оиласи. — Саксон ёшга кирган онамиз борлар. Икки фарзандимиз ҳали кичкина. Учта уй, иккита айвон, битта коридор ёниб кетди. Уйдаги оғир буюмларни олиб чиқишга улгура олмадик. Ҳаммаси ёниб, кул бўлди.

— Бирор ёрдам беришяптими?

— Ҳа, ёрдам беришди. Сергелидаги 8-даҳада жойлашган уйдан тўрт хона ажратишди. Гилам-шолча олиб келиб сотишди. Ҳадемай холодильник, кир ювиш машинаси, телевизор олиб келиб сотишади, дейишмоқда.

— Болаларга нималар олиб келиб сотишди?

— Колготка, ҳар хил кийим-бошлар. «Болалар дунёси» магазинидан олиб келишди.

— Уйга пул беришдими?

— Ҳа. 4 минг 900 сўм ажратишди.

Ана шу кўчадаги 129-уйда яшовчи 21 ҳамшаҳримиз яшаган оила билан суҳбатлашдик. Уларнинг деярли ҳаммаси фақат эгнидаги кийим-бошлари билан қолишибди. Сабаби қариндошлариникида тўйда бўлишган экан. Уйлари ёниб, кулга айланибди. Битта катта хонадонда бешта оила яшашар экан.

— Бизга битта Ўриқзордан олти сотих ер ва Жарариқдан, яъни — Ибн Сино даҳасидан тўртта оиламизга тўртта уй беришадиган бўлишди. Бунинг учун раҳмат, — дейди пенсионер Жўра ака. — Мана ҳадемай, холодильник, телевизор ажратишади, дейишмоқда. Лекин бизнинг битта хонадонимизда бешта оила бор. Уларнинг ҳар бирига холодильник ҳам, телевизор ҳам зарур. Лекин эшитишимча, битта уйдагиларга ана шундай буюмлардан биттадан ажратишар эмиш. Менимча бундай қилиш шундоқ ҳам қалби яраланган инсонларни яна ўртайди. Кўпчиликнинг уйида рўзғор буюмлари йўқ, кийим-кечаклари ёниб кетган. Шундай бўлгандан кейин биринчи галда аҳоли учун зарур бўлган буюмлар ажратилса яхши бўларди.

Сомон бозорини айланиб чиқиб у ердаги аҳоли билан сўзлашгандан сўнг «Чиғатой» маҳалла комитетининг раиси Қулаҳмад ака Обидов билан суҳбатлашдик.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан тузилган штаб анча яхши ишлаяпти, — дейди маҳалла комитетининг раиси. — Бугунгача 4 тонна цемент, 5 тонна алебастр, 7 куб думалоқ тўсин, 10 куб тахта олдик. Бундан ташқари оилаларга бир тўп сатин, бир тўп чит ажратилди. Ҳар хил идиштовоқлар ҳам берилмоқда.

Киши бошига 4 та совун, 4 та сочиқ, соқол оладиган машина, писка, тиш ювадиган ҳар хил порошоклар текинга ажратилди. 28 оиланинг деярли ҳаммасидаги мактабга борадиган болаларга папка, дафтар, қаламлар ҳам бепул берилди. Ҳадемай, бошқа буюмлар ҳам олиб келиб сотишни ташкил қилишмоқчи. Кўпчилик оилалар Жарариқдаги қурилаётган турар жой биноларида яшаш истагини билдиришди. Уларга ордер ёзиб берилмоқда. Раҳматуллаев ва Шермуродов оиласига улар истагига кўра Ўриқзор даҳасидан участка ажратилди.

Биз мақолага нуқта қўйишдан олдин Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг Давлат ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасига қўнғироқ қилиб, Сомон бозоридаги ёнғиннинг айбдорлари аниқландими, деб сўрадик. Улар текшириш ҳали ниҳоясига етмаганлигини айтишди.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

⊙ Янгиликлар билан «Тошкент оқшоми» мухбирлари таништиришди.

Шанба оқшомида



Ҳунари гўзаллар

ТАНДИРЧИЛАР

Суратли лавҳа

- ЎЗБЕК ТАНДИРЛАРИ — КАНАДАГА ЮБОРИЛДИ
- ОДДИЙ ЛОЙДАН — САНЪАТ АСАРИ
- БОБОЛАР КАСБИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ

ХАЛҚИМИЗ меъморларининг довруғи бутун жаҳонга таралганлигидан хабардорсиз. Ўзбек санъати ва маданияти намояндаларининг беназир маҳоратлари етти иқлим мамлакатлари халқларини ўзига мафтун этганлигини таъкидламасак ҳам бўлади. Лекин ўзбек тандирсозларининг довруғи ҳатто Канадага етиб борибди десак, «Э, муболаға ҳам эви биланда», дейишингиз турган гап. Лекин бу гапимиз чин ҳақиқат!

Ҳа, шу куни Абдуҳаким ака Тошмуҳамедовнинг тандири океан ортига — Канадага жўнатилди. Тошкентнинг Ҳалқа йўли ёқасидаги маиший хизмат уйига қарашли жойда устанинг қалб қўри, пешона тери билан ясалган ўзбек тандирларидан 5 таси танлаб олинди...

Биз Тошмуҳамедовлар шажараси билан узоқ суҳбатда бўлдик, уларнинг том маънодаги оғир ва завқли ҳунарларини кўздан кечирдик.

Тўғриси биз тандирда ёпилган ширмой нонларни маза қилиб еганимизда, миллий таом турларидан бири — тандир баррани, тандир кабобни, тандир сомсаларни тановул қилганимизда кўпинча шу тандир усталари меҳнатини кўз олдимизга ҳам келтирмаймиз, «Узумини еб, боғини суриштирмай» кетаверамиз. Лекин, тандирсозларнинг меҳнатини ҳар қанча эсласак, уни улуғласак, эъзозласак шунчалик кам. Тандирсоз Тошмуҳамедовларнинг ишлари билан яқиндан танишгач бунга минг карра амин бўлдик.

Ҳар бир ўзбек хонадонида десак унчалик тўғри бўлмас, лекин тандири бўлган оилалар беҳисоблигини албатта таъкидлаш керак. Биз тандирсоздан тандирни сотиб олишга оламиз-у, лекин бу лой ўчоқнинг қандай тайёрланиши-ю унинг сир ва синоатлари билан унчалик қизиқиб ҳам ўтирмаймиз. Лекин бугунги бизнинг асл мақсадимиз шуки, муҳтарам «Оқшом» муштарийларини авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб ҳунарлардан бири — тандирсозлик ҳунаридан ошно этмоқчимиз, суратчимиз Тўлқин Каримовнинг оқшомхонлар эътиборига ҳавола этилаётган суратлари-ю тандирсозлик ҳунари билан боғлиқ маълумотларни келтираётган рўзномамиз матнида ҳам Сиз, азизларни ҳунари гўзаллардан хабардор этиш ниятидамиз...

Гапнинг индаллосидан бошлайлик, энди. Тандир ясаш учун лойга эчки ва қўй жуни, от қили, сомон қўшиб қорилади.

— Лой яхши пишитилгач, устига намакоб сепиб, латта билан ўраб қўйилади, — дейди суҳбатдошимиз Абдуҳаким ака Тошмуҳамедов.

— Кейинчи, — деб қизиқиб сўраймиз ундан.

— Кейин, — дейди мийиғида кулиб Абдуҳаким ака, — лой бир неча соатдан кейин қайта тепиб пишитилади. Сўнг эни 20—30 сантиметр, қалинлиги 8—10 сантиметр, узунлиги 80—90 сантиметр атрофида бўлак-бўлак парчалар тайёрланади. Улардан бир нечасини бир-бирига тикка қилиб ёпиштириб тандир ҳосил қилинади.

— Тандирнинг ичи ва сирти қандай силлиқланади?

— Бунинг йўли осон. Унга намакоб сепилади. Баъзи тандирсозлар тандир ясаш учун цилиндрсимон чуқур қазишиб, шу чуқур деворига махсус тайёрланган лой ёпиштирадилар. Одатда, бу хил тандирлар анча сифатсиз бўлади. Тандирнинг сирти сомонли лой билан қалин қилиб сувалади.

— Хонадонлар билан новвойхоналарга қуриладиган тандирлар фарқи нимада? — яна саволга тутамиз Абдуҳаким акани.

— Фарқи шундаки, хонадонларга қуриладиган ўртача тандирнинг ички диаметри 0,8 метр, ердан 0,8 — 1 метр баланд қилиб ўрнатилади. Бундан каттароқ тандирлар эса новвойхоналарга қурилади.

— Ерга ва махсус супага қурилган тандирларчи?

— Мухбир халқининг ҳамма нарсага қизиқишини яхши кўраман-да, — дейди яна саволга тутганимиздан мамнун жилмайиб Абдуҳаким ака. — Гапингиз тўғри. Ўрта Осиё ва жумҳуриятимизда тандирлар турлича бўлади. Баъзи районларда оғзи тик қилиб қурилса, баъзиларида супага тандир ётиқ қилиб ўрнатилади. Атрофларига тутун таратадиган, ҳаво кирадиган тешиклар қилинади.

— Уларни қандай қиздириш керак?

— Тандирлар янтоқ, ғўзапоя ва бошқа ўтинлар билан оқаргунча қиздирилади. Ҳозирги пайтда, газлаштирилган тандирлар ҳам учрайди. Тандир қизиб оқаргач, атрофидаги тешиклар беркитилиб, нон ёпишга киришилади...

Мана, Сиз тандирнинг таърифини эшитдингиз. Ўзбек Совет Қомусида таъкидланганидек, ноёб ҳунарлардан бири — тандирсозлик ҳозирги бизнинг кунларимизда ҳам ўз эъзозини топаяпти. Суратли лавҳа бошида келтирган мисолимиз — яъни ўзбек тандирсозлари ясаган тандирнинг Канадага жўнатилиши ушбу фикримизнинг ёрқин далили эмасми?..

Шаҳримизда тандирсозлик ҳунарини эъзозлаётганлар бармоқ билан санарли. Шу боисдан биз оқшомхонларимизни тандирсоз Тошмуҳамедовлар шажараси билан таништиришни ният қилгандик. Ниятимизга етдик чоғи. Сиз ва биз томоша қилаётган тасвирларда тандирсоз Тошмуҳамедовларнинг меҳнатидан лаҳзалар акс этди. Инқилобдан аввал Тошмамат ота, сўнг унинг ўғли Абулқосим ака, кейин Абулқосим аканинг ўғиллари Абдуқодир, ҳозир эса Абдуқодир аканинг ўғиллари Абдуҳаким Тошмуҳамедов бобо ва ота ҳунарини давом эттиришди. Уларнинг сулоласи вакилларини ҳар ерда — Тошкентнинг «Эркин» даҳасида Эргаш Тошмуҳамедовни, «Бирлик» даҳасида Жўра Тошмуҳамедовни «Бешқайрағоч» даҳасида Собир ва Турсун Тошмуҳамедовларни, «Чорсу» даҳасида Абдумавлон Тошмуҳамедовни учратасиз, улар қўлидан чиққан, оддий лойдан санъат асари даражасига етказилган тандирларга тасаннолар айтасиз.

— Халқнинг ана шу тасанно ва олқишлари меҳнатдан толган қўлларимизга куч-қувват ва белимизга мадад бағишламоқда, — дейди тандирсоз Абдуҳаким ака Тошмуҳамедов.

Абдуҳаким аканинг шу сўзи билан суратли лавҳамизга нуқта қўйдик.

Саид ЁДГОРОВ.









МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси тажриба жорий этиш марказининг ходимлари жуда ўткир муаммони ҳал этдилар. Улар хизматини ўтаб бўлган тайёра ғилдираклари ва уларнинг ўқларидан фойдаланиш йўлини топдилар. Улар «СоюздорНИИ» ҳамда «Аэропроект» мутахассислари билан биргаликда жумҳурият аэродромларида кўплаб тўпланиб қолган резинадан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Махсус ишлов берилганидан кейин ундан аэродромларни қоплаш учун танқис мастика олиш мумкин. Уни ишлаб чиқариш учун қўшма корхона барпо этишга қарор қилинди, дейилади ЎзТАГ хабарида.



Баҳодир Нурмуҳамедов халқимизнинг асрлар оша ардоқланиб келаётган маҳсидўзлик касбига ихлос қўйган. У ҳозир «Шарқ» тери-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчилари сафидан ўрин олди.

Т. Каримов сурати.

Турмуш чорраҳаларида

ХЎРЛАНГАН ОНА

— ОХИРГИ нажот сизлардан. Ҳадемай қиличини ялангочлаб қиш келади. Кўчада қолдим. Ўз уйимдан собиқ эрим уриб ҳайдади, ёлғиз фарзандимнинг рафиқаси юзларимни юмдалаб, ёқаларимни чок қилди, додимни кимга айтай?

Жуда паст бўйли, сочларига оқ оралаган бу аяхоннинг нидоларини тинглаш қанчалар оғирлигини билсангиз эди. Начора, тўлғоқ давримизда орадан меҳр кўтариляпти. Она болани, фарзанд онани танимай қўймоқда. Аянинг мунгли, айни пайтда тиканли сўзлари қалбга ботарди:

— Ўғлимни ўлимимни бўйнимга олиб туққанман. Бўйи салкам бўйимга тенг (60 сантиметрга яқин), 4 килограмм оғирликдаги ўктам ўғлонни дунёга ҳадя қилдим мен. Одатда гипофизор (пакана) аёлларда ҳомила камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Иттифоқимиздаги минглаб менга ўхшаган аёллар ичида фақат иккитагина лилипут ҳомила кўрган: бирида фарзандни қоринни ёриб олишган, аммо кўп ўтмай она ҳам, бола ҳам оламдан кўз юмишган. Иккинчи калтабақай эса дунёдаги йирик олимлар кўмагида фарзанд кўриб, унга невараэвара ва чеваралар насиб этган, ниҳоят ошини ошаб, ёшини яшаб 106 ёшида вафот этган.

Бу ҳақда Тошкент тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасининг мудири, профессор П. И. Федорованинг камина ҳомиласи ҳақида илмий иш ёқлаган ходимларидан бири гапириб берган. Ҳа, жонимни гаровга қўйиб, ўғилгинамни топганман. Бўйим пастлигидан бешикдаги гўдагимга кўкрак тутолмай неча-неча тунларни минг азобда ўтказган пайтларим ҳамон кўз ўнгимда турибди. Ўзим шифокорман. 30 йил шу соҳада ишлаб, иззат-ҳурмат билан пенсияга чиқдим. Шу ҳолимга 40 ёшда кўрган болагинамни хитой қоғозига ўралган конфетдай гард ва дард юқтирмай, камолга етказдим, ўқитдим, олий маълумотли қилдим, ўзи суйган қизига уйлантирдим. Аммо...

Ая, «аммо» сўзини ички бир хўрсиниш билан айтди-ю, томоғига алланима тиқилгандай ҳаприқиб гапини давом эттиролмади. Келинг, муҳтарам оқшомхон, она фожиасининг давомини қўлимиздаги ҳужжатларга таяниб ўзимиз ҳикоя қилиб берақолайлик. Назаримда, ая «Шу келин хонадонимизга тушдию, оиламиздан ҳаловат йўқолди» демоқчи эдилар.

— Ҳа, — дейди бу оила истиқомат қиладиган Янгиобод мавзесидаги Миршаропов номли маҳалла комитети раиси Саидакбар Саидхўжаев, — ношуд эр ва беодоб келин туфайли иккинчи гуруҳ ногирони, бечора Турсунойнинг бошига не-не кулфатлар тушмади, дейсиз...

Аслида митти она фожиасининг бош сабабчиси унинг умр йўлдоши Жонон Бердиевдир. Улар 1964 йилда турмуш қуришгач, орадан 3 — 4 йил ўтиб-ўтмай эрнинг мушти гурзига айланди. Начора, Турсуной шу ёлғиз ўғли деб тишини тишига қўйди, болам отасиз ўсмасин, дея ҳар куни, кунаро бўлиб турадиган жанжалларга дош берди.

Нашаванд, кўп йиллардан буён шаҳардаги наркология диспансери ҳисобида турадиган бетавфиқ эр хўрликларига чидай олмагач, Турсуной опа судга ариза бериб ажралди. Лекин ҳакамлар уйда эрнинг ҳам ҳақи бор, деб уларни бирга яна шу хонадонда қолдиришди.

— Энди сенга кўрсатаман — деди собиқ эр кўзлари қонга тўлиб. — Шу уйдан ўлигинг чиқади.

— Бу уй меники, — дея босиқлик билан жавоб қилди Турсуной опа, — каталакдай битта хона эди. Чумчуқдай жоним билан уч хона, бир айвонли уйни ўзим тикладим. Барака топгур, Октябрь, Куйбишев, Киров район ижроқўмидаги олийҳиммат кишилар қурилиш материалларини топиб беришди, ҳолимга ачинган кишилар ёрдам қўлини чўзишди. Булардан хабардорсиз. Хўш, ўша пайтлардаги 25 — 30 сўм пенсия пулингиздан нашадан орттириб менга бирор тийин беролганмисиз? Йўқ. «Уй сеники, ўзинг қуриб олавер» дегансиз. Майли, ёлғиз фарзандимнинг отасисиз, кўчага ҳайдамайман, аммо тинчгина яшанг, жонимга қасд қилаверманг. Калтакларингиздан безиб кетдим...

Бу гаплар Жононни қутуртириб юборди. Агар Турсуной опа фарёдини эшитиб, ён қўшни чиқиб келмаганида чиндан ҳам бу хонадондан митти аянинг ўлиги чиққан бўлармиди. Ҳарқалай, Турсуной опани девор дармиён қўшниси бир ҳолатда «Тез ёрдам»га тиқиб, шифохонага жўнатишга улгурди. У 52 кун касалхонада ётди, шифокорлар ўз ҳамкасабаси ҳаёти учун жанг қилиб, опани ўлим чангалидан аранг қутқариб қолишди. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг суд-медицина эксперти Э. В. Дрожжин ўша 1989 йил 13 апрелда имзо чеккан ҳужжатда аяга тан жароҳатлари етказилгани қайд этилади.

— Бу хилдаги суиқасд биринчи марта бўлаётгани йўқ, — деб ёзади Турсуной опа Халилова бизга йўллаган мактубида. — 1987 йилнинг 13 декабрида мени ўлдириш ниятидаги калтак зарбидан кейин ҳам икки ойча касалхонада ётиб чиққан эдим. Аянинг гуноҳим нима? Нимага фарзандини тарбиялаб ... ганим, узоқ йиллар давомида ўзини оқ тараб, оқ кийинтирдим?

Халқимизда «Қуш уясини қилади» деган ... ҳам «ақлини» танигач, ... батан ота қиликларини ... диган бўлиб қолди. Айниқ... келин тушгач, ўғлининг ... тар авжига чиқди. Ўзбек... она орзуси» деган бир ... ўғил уйлантирган ҳар ... келиним қайнота ва ... ҳурмат-иззатини жойига ... ҳаё янги оила аъзосига ... роҳлик қилса, деган эзгу ... доим дил тубида сақлаб ... ной опа эса келини билан ... чиликка етаклашиб бориб... ни умид қиларди. Афсус... йўлидаги дастлабки қадам... аянинг оғзини ланг қилиб ... риндошлардан бири қайнота ... куёвни чорлаганди. Уйдан ... қарига чиқишлари ... эрининг қулоғига шиш... гизга айтинг, у биздан 5... орқада юрсинлар, бўйлари ... липут, ёнма-ён юришга ... ҳам оқизмай-томизмай бу ... етказди.

Ана энди дилдаги ... деган армон билан шоду ... мондорчиликка отланган ... тини бир тасаввур қил... юраги орқага тортиб мет... оёқлари чалишиб йиқилиш... ди, анчагача бир жойда ... ўғил ва келин ўзларича ...

ҚУЁШ уфқ ортига ўтиши ... осмонига само ёритқичлари ... кўз-кўз қилиб одамларга ... шавқ бахш этадилар. Сентябрь ... ралар, юлдузлар, юлдуз ёмғир... йиши бунга далилдир.

Хусусан туни билан Зуҳал... иккинчи ярмида Муштарийни ... рих билан Зуҳранинг чиройлар... тун бўлиб, Пегасил юлдузлар ... завқланиб эркин хаёллар оғуши... мумкин.

Қадим замонларда инсон ... фалакка тикиб нафақат завқла... хаёлан мулоқотда бўлишга, бах... ларга жавоб топишга интилган ... шубҳасиз у ўз атрофидагилар ... зара қилганлигини турли-туман... да қайд қилиб келажак авлод... ганлар.

Фалакиёт сирлар...

Дастхатл... хазиналар...

Бу кун уларнинг авлодлари ... волга жавоб, кўнгилга таскин ... тилар эканлар, шубҳасиз, ўз ... нинг бой меросларидан кенг фой... ҳаракат қиладилар. Манбаларни... ти кутубхоналарда жойлашган ... манбалар Шарқда X—XII асрлар... кутубхоналарда 10—12 минглаб ... тўпланганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон ССР Фанлар акад... фалакиёт институтида 60 минг... ҳоннинг турли тилларида ёзилган ... дай манбалар сақланмоқда ва ... олимларга бебаҳо хазина вазифа... моқда.

Бу бой хазинада нодир манба... гина бўлиб, буларнинг энг қадим... асрда яшаб ижод этган поляк ... Ян Гевелийнинг «Астрономия ... асаридир. Мазкур асар 1690 йил... шаҳрида чоп этилган. Унинг Тош... хаси энг нодир нусхалардан бир... ланади. Совет Иттифоқида унинг ... сақланиб қолган. Мазкур асар... учун энг қадрли томонларидан ... буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг ... ҳамда унинг жаҳон фалак... орасидаги обрўсини акслантиру... юралар жой олганлигидир. 19... 1981 йилларда бу асарнинг бир... «Юлдузлар осмонининг атласи» ... қайта-қайта нашр этилди. Унда Мир... бекнинг бошқа манбалардан топ... вири, нодир расмлари жой олган... нашр фақат мамлакатимиздагина ... балки чет элларда ҳам машҳур. ... Японияда Мирзо Улуғбек «Зижи» ... қўшилган ҳолда қайта нашр этилди.

Космонавтика асосчиси К. Э. Ц... кийнинг дастхати билан шахсан ... киёт институтига совға қилган ... шунингдек, нодир ва айни пайтда ... лик фалакшунослик муаммолари... қилишда жуда зарур бўлган. Мар... мар обсерваториясининг 21-юлдуз... лигидаги 100000000 юлдузлар ... ширилган харитаси фалакиёт ... нинг фахри ҳисобланади. Илмий ... кутубхонаси фалакиёт институтини... мий тадқиқотлари ўз ифодасини ... циркулярларини жаҳон фалакиёт ... ларига юборади ва ўз навбатида ... манбалари билан айирбош қилади.

Келажакда кутубхона янада ... умид катта. Ана шу келажак хазина... наларидан бири бобокалонимиз ... илмлар султони Мирзо Улуғбекнинг ... тилида битилган, инқилобдан аввал ... тон ҳарбий маъмурлари томонида... во фалакиёт марказига совға ... «Зижи» ва «Катта даврлар» ... асаридир.

1994 йилда буюк мутафаккир ... Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги... халқлари кенг нишонлайдилар. Бу ... ларга ЮНЕСКО бош-қош бўлади... риятимизда бу улкан тантанага ... гарлик ишлари бошлаб юборилди... баб Мирзо Улуғбекнинг бу асарлар... ҳуриятимизда маскан топса тўйга ... бир тўёна бўларди.

Саидбаҳром АЗИЗ...

Ўзбекистон ССР Фанлар ... фалакиёт институтининг илмий ...



ТОНГ... Унинг сумбуланинг
аланг, шовқинни ширасиз, сувн
нглиғ, хас-чўпга ўч чувалангур
арсари шамоллари янглиғ инг-
занаётган, кўнгил кўзига кў-
анка тортиб, алланечук унсиз-
нсиз илтижо қилаётган кеча
ўниб қўйди. Кеча-ки, ҳозиргн-
а уватларда, атрофи шох-
аббалар ила ўралган чорбоғ-
арда ҳолсиз, ҳавассиз сурн-
ардн, дарахт шохларида бе-
ақт сўлган, юзини кул бос-
ан япроқлардайин илиниб тит-
абгина турарди. Кетдн... Ке-
ётибди... Яна бешак, бенн-
юн. Ажабо, ҳаёлда бехало-
атлик, жиз этган армон...

ТОНГ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЎЛИМ, сўлим кеча-я! Кетса-я!.. Тун бўйи
усиз, эланиб ўтказгандим. Унга... унга
аниб қолгандим. Бирдан... Ажиб тўпо-
га қоришиқ: не бир жабҳаларга унда-
ик, интиқтиргулик хорғин бир жимлик.
касталик... Шукуроналик... Назаримда
лик бўм-бўш, борлиғи бўм-бўш бўлиб
гандайин. Онгимда анчайин илғаб бўл-
иддао, аллақандай ҳайқириқ, кўз ол-
да эса, кечанинг йироқлаб бораётган
лари... Суринмоқда, суринтирмоқда...

-а-а... Ҳали, ҳалигина босиқ, ҳаволанишл-
йироқ ҳаёлдайин, чиллалик келинлар-
нафис, ярашимли ҳарир пардаларн-
ин борлиқ юзини тўсибгина турганди.
тдагидай оқшом саналганди. Ва яна,
тдагидай йўлу йўлакларни, ҳазонлай
лаган дарахтларни, дилни паришонхо-
қилганди. Толиқтиргандай эди. Қизиқ,
ва бундан кейинги жараённи кеча дей-
не бир кечинмаларга бериламиз. Чў-
ган қоронғуликдан ҳисларимиз, туйғу-
миз тин олгандай чинқиргандай бўла-
ҳазин, мискин кайфият қамрайди биз-
Оғир сўлиш оламиз. Нега? Нима учун.

абиатдаги, инсон табиатидаги тўлқоқлар:
хил, бир маромдаги кечмиш — кеча
кундуз, фасллар алмашуви; қувонч
ғамноклик, дарахтларнинг пайти етиб
ишию данакларнинг кўкласи — булар-
бари, эътибор қилинса (азбаройи қа-
ларнинг қалашганидан, турмушнинг зол-
дан вақт, имкон борми бунга!), нақа-
оддий ва айни чоғда, нақадар сирли...
тоқи, ечими, ечилиши мушкул жумбоқ
лик!..

им-сим отаётган, ҳув узоқда, нилий ос-
гардишда подачи гулхани мисол алан-
нган шафақдан рангланиб, сийму зар-
ин солланаётган, товланаётган тонг —
нинг боласи ва балки, кечанинг ўкинч-
и... Йўқ, йўқ, бу тасаввурда сесканган
сас-ботиний ҳавас: аслида, тонгнинг
глайдан кўтарган, оналикка яраган ке-
— осуда. У мени фикрлашга ундаган
ишта. Баайни мўъжиза. Ахир оқшом-
г оҳиста-оҳиста таралишини, толиққан,
роқ босган атрофнинг бедарду беалам,
инча, алланечук сарҳуш тортган, эрка-
ган кўйи унинг пинжига киришини эс-
г!

сланг, лоақал эслашга ҳаракат қилинг!

қавайрон этаклари чанг-чунг, босар-ту-
ини билмай чарх уриб кезинаётган ша-
лар босиқ тортадилар, бу пайт. Ариқ-
даги шўх оқар сувларни ҳаё, ибо қоп-
ди, ногоҳ бир-бирлари билан чалишиб,
ир-қиқир кулиб ҳам қўйишади. Япроқ-
лаблари жийирилган майсалар кутил-
анда мунисланиб ва ажабо, киши ҳаё-
н сархушлантирувчи эртакми, қўшиқми
лаб қоладилар. Кун бўйи дами чиқмай
ган тўғай, чигиртқаларнинг сайроққа
киришларига, интиқ, интизор чириллаб қо-
лишларига нима дейсиз? Кейин, тун дема-
ган қуюқлашиб боргани сайин юлдузларнинг
поч-поч очилаётган бодроқлардай бодра-
шиб, чақнаб-чарақлаб кетишларини, хўш,
буни қандай изоҳлаш мумкин? Э-ҳэ, осмон
тоқисида — қиёсу нисбат бериш ихтиё-
рингиз — ой тўлишгандан тўлишиб, бано-
гоҳ сизни ширин, шикаста ҳисларга чулғаб,
гоҳо тақводор момо, гоҳида ҳасрати, ҳаё-
жони юзига урган малак қиёфасида кўри-
нишига, сирли-синоатли боқишларига нима
дейсиз?!

Оқ билан қора...

Кечаги кун бугунги кунга бегона...

Тонгга, кетаётган кечага алоқаси йўқ фал-
сафа!.. Ҳа, не бир дегувчилар бўлмади.
Ҳамон деювчилар деярини деб ётибди.
Таажжубланмай илож йўқ. Кунлар ўтаётиб-
ди: кунлар кунларни инкор қилаётибди.
Даврлар ўтаётибди: даврлар даврларни
инкор қилаётибди... Назарлар, назария-
лар — ерни ютгулик, кўкнинг юзини тўсгу-
лик бир тўфон қадар. Алҳазар, куни кеча
Тақдири Азални қувғин қилиб, Исони, Му-
ҳаммадни банди этганлар бугун Марксни,
Ленинни қора курсига ўтказишга, суд қи-
лишга тайёр, ҳудоликка даъвогар. Улар
ким? Қайси насл-насабга мансуб? Афсус,
Ер ёлғиз, кўк ёлғиз... Ернинг, кўкнинг йў-
риқлари ёлғиз... Одам, одамгарчилик ёл-
ғиз...

Тонг файз... Тонг — йўлларга, йўлакларга босилган из... У кечанинг излари, кеча-
нинг орзулари. Ана у, уйқусираган уфқни
уйғотиб довонлардаги чанғал шохларга,
қояларга илинган сўнгги этакларини суд-
раб бораётибди. Кетаётибди. Жим. Доди,
фиғони эшитилмайди. Ўкинчи, армони эши-
тилмайди. Беписанду беалам. Киши ҳайрон
қоларли даражада хотиржам... Наинки,
ҳаёт муаззам, ҳавас муаззам: чамаси, тонг
учун ўзини қурбон қилганидан рози, ер-
нинг, кўкнинг измини тутганидан рози. Сод-
далик... Самимий айрилиқ...

Соддалик — буюклик. Буюклик — сами-
мийлик... Бундай буюклик олдида кибру
ҳаволар, соҳта буюкликлар ожиз. Борлиқ-
ни борлиғича куч олишига қарамай, Ойю
юлдузларни кўз-кўз қилишига, тонгни оқ
ювиб-оқ тараб орзумандларга қолдиришига қарамай, қисиниб-қимтиниб бораётган
кечани кузатаман. Ҳайрату ҳасратда ўйга
толаман. Ўзимдан, фикрларимизнинг тонг-
дайин тиниқ эмаслигидан, кечмиш кечалар-
нинг кечинмаларини туймаслигимиздан уя-
ламан. Дараоқе, нечун биз узун кечалар
билан сирлашмаймиз, улардан кўнгил сў-
рамаймиз? Аксинча, гоҳо шеърда, гоҳида
сухандорликда тавқи лаънатга қўямиз. Ранг
таниш, оқдан қорани фарқ қилиш валла-
матликка шаҳодат, тойифаланиш эмаску!
Ўзига бино қўйиб ўзлигидан, имондан то-
ниш эмаску!.. Балки, бюрократия мана шун-
дан бошланар. Сўлим кечалардан, оппоқ-
оппоқ тонглардан баҳра олиб бебурдлик
қилишдан, ундан юз буришдан бошланар.
Ҳаволаниш, ердан узилиш — тириклайин
ўлиш. Бу борада ҳаёт хулосалари тайин:
бюрократия — мафия. Бюрократия — та-
биатни, инсон табиатини кемирувчи, қонини
сўрувчи кана.

Дам сайин ёришиб дала-тошни, кўзу
қошни ёритиб тонг оқиб келаётир. Нур,
иштиёқ оқиб келаётир. Уни ҳис қилмаслик,
у каби гўшт, ватан аталмиш масканнинг
пойини, поёнини, кўзга тўтиё билмаслик,
киндик қони томган хонадон остонасига,
онага топинмаслик мумкинми? Ўзни тонгга,
борлиққа фарзанд атамаслик, фарзандлик
бурчини адо этмаслик мумкинми?

Тонг — буюк фалсафа... У ёзилмаган,
ўқилмаган китоб. Ундан умидланмаган фал-
сафа, унга ёндошиб келмаган китоб йўқ.
Тонг саҳифаларида замин, унинг битмас-
туганмас саҳоватлари: ҳаётнинг давомий-
лиги ўтган аждодлар ва улар олдидаги
масъуллик, умидлар нур-ёғдулар ила бит-
илган. Уни фақат ўқиш ва ўқиш керак.
Тонгни, ёруғликни туймаган, тупроқни тўй-
диргучим, ярлақагучим, деб билмаган ти-
рикликдан, одамийликдан йироқлашади.

Саҳарнинг салқин елларидан эмас, кўн-
гилдан кўчган елвизакдан эт сесканади.
Йироқлашилди. Оёқ ердан узилди, кўкка
интилган бошлар Қуёш бўлолмади. Чамаси,
билиш, дунёни янгича идрок этиш (аниқ-
роғи уни забт қилиш!) йўсини йўриқсиз қи-
либ қўйди бизни. Билим касбга, пулга ча-
қилди. Қарабсизки, бир ҳовуч димоғдор,
сохта билимдонлару аксари эркакларининг
қўли косов, аёлларининг сочи супурги, би-
лимсизларга айланиб қолдик. Қаллоблик,
мунофиқлик авжга чиқди. Тонгдан йироқ-
лашдик. Тонг йўлларидан йироқлашдик.
Табиат топган жароҳатлар — яйлов, экин
майдонларининг шўрланиши, кўл, дарёлар-
нинг қуриши шундан! Имонсизлик шун-
дан!..

Тонг оппоқ... Тонг ўлар оппоқ... Қуёш
оташин меҳрини бағишлаган, тонгнинг иқи
тушган юртимга юзланиб турибман. Ёриш-
ган йўллар йўлчиларга мунтазир. Саҳархез,
шайдойи шамол эсмоқда. Тонг йўргагида
юз очган далалар, боғу роғлар, ялангтўш
тоғлар кўзни қувонтирди. Дилда шуур, иш-
тиёқ. Гўё тонгга айланиб, тонг каби бор-
лиқни, борлиғимни қучаётгандайман. Уни
суймаслик, унинг пойига бошни қўймаслик
мумкинми?! Ахир минг йил бурун «Менде-
леев жадвали»ни тузган, Американи кашф
этган Берунийнинг, жаҳонга «Алжабр»ни
берган Хоразмийнинг бешигини тебратган
юрт бу! Жаҳонгир Темурнинг излари, ҳаз-
рат Навоийнинг нафаси қолган юрт бу!
Каъбам — отам, деган экан биров. Менинг
каъбам, отамдан қолган меросим: Туро-
ним-Ўзбекистоним бу!..

Кеча тонгни туғиб қўйди...

Тонг муборак, бўлсин сизга!..

Турсун ИБРОҲИМ.

Шанба оқшомида

Воқеий ҳикоялар

Ғафур Ғуломдан уч луқма

СОБИР Абдулла қиз кўриб, хурсандлик билан Ғафур акага қўнғироқ қилади-да, «отини нима қўйсам экан-а?» деб маслаҳат сўрайди.

Ғафур ака дейди:

— Қачон қарасам, ўзинг «Шароит йўқ, шароит йўқ» деб нолиб юрардинг. Ана энди шароит туғдирибсан, исмини «Шароит» қўя қол. Ўзим бориб қулоғига азон этаман. Дастурхонни қуюқроқ қилиб тузагин. Ҳа, аннақасидан ҳам бўлсин-а, уқдингми, Собиржон?..

СОБИР Абдулланинг олтмиш йиллиги муносабати билан уни Ғафур ака ойнан жаҳонга олиб чиқди. Собир Абдуллага сўз берилганда, Ғафур ака унинг сўзини кесиб деди:

— Тўй бола бўлдим, деб талтайганинг учун сўзинг оғзингдан тушиб кетвотти. Сен, Собирвой, ёзишингни бил, сўз айтишни менга қўйиб бер. Собир мундоқ демоқчи, ўртоқлар: шеърлар, қўшиқлар, пьесалар ёзишим етмагандай, кейинги вақтларда яна бир қилиқ чиқардим. Улуғ устозим Муқимий ҳужрасида ётиб олиб, унинг тўғрисида роман ҳам ёзвордим. Ана кўрдингизми, ўртоқлар. Собирвой тинмагур шундақанги одамки, қўйиб берилса, ҳали кўп ҳунар кўрсатворади!..

НАЗИР Сафаровнинг олтмиш йиллигида Ғафур ака Муқимий театри саҳнасида туриб, дейди:

— Хўп замонлар бўлди-да, Назирвой. Мен-ку оз вақт бўлса-да, мадраса таҳсилини кўрганман. Эски давр бўлганда мени бирон кичикроқ мачитга имом қилиб қўйишлари мумкин эди. Аммо сен мактаб кўрмаган одам мачитга сўфилик ҳам қилолмасдинг-ов!..

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.



Э. ҚОЙИЛ!..

Т. Каримов сурат-лавҳаси.

Бу—қизиқ

⊙ ПУЛ ВА САЛОМАТЛИК

МАЪЛУМКИ, соғлиқни пулга сотиб олиб бўлмайди. Шунга қарамай унинг етишмовчилиги саломатликка таъсир этади. Америка табобат академияси олими Роберт Шванн 1948 йилдан то 1984 йилгача 1130 шифокор ўртасида олиб борган тадқиқотидан сўнг ана шундай хулосага келди. Уни қон босимининг маошга боғлиқлиги қизиқтирган эди. Маошнинг ўн фоиз камайиши ҳар тўрт шифокордан биттасида қон босими касаллигининг юзага келишига сабаб бўлди.

Шунга мувофиқ олим «Камбағал ва хаста бўлгандан кўра, ўзига тўқ ва соғлом бўлиш афзал»лигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

⊙ ИБТИДОИЙ ОДАМ ҚАНДАЙ СЎЗЛАГАН?

БУНДАН икки миллион йил муқаддам яшаган ибтидоий одам бурро-бурро товушлар чиқара олганми? Ибтидоий одам бош мия суягини тадқиқ этган француз олимлари сўз талаффузи фаолиятини ўрганадилар. Улар илк ўтмишдошларимизда «и», «а», «у» товушини айтиш имкониятн бўлмаган, бироқ «е» ва «т» товушларини аниқ-равшан талаффуз эта олганликларини баён этдилар. Аксинча, 1967 йилда топилган, бундан 450 минг йил аввал Франция жанубида яшаганлар ҳозирги замон кишиларига ўхшаш сўзлашиш аъзосига эга бўлганлар. Уларнинг остки жағлари томоққа тик боғланиш билан бирикиб, лаблари ўзаро ёндош жойлашган, тиллари эса ҳозирги кишиларникига нисбатан бирмунча калта бўлган. Ўтмишдошлар ҳозирги барча унли ва ундошларни талаффуз эта олганларини аниқлаш мақсадида, олимлар уларнинг сўзлашиш аъзолари нусхасини ясадилар ва компьютер ёрдамида текшириб кўрдилар. Шу йўсинда товуш босиб ўтган босқичлар кўрсаткичи тузилиб, қадимги Оврўпо аҳолисининг сўз товушлари хазинаси аниқланди.

Фозилжон ОРИПОВ
тайёрлаган.

Тиббиёт соҳаси бўйича

⊙ Жумҳуриятимизда биринчи соғлиқни сақлаш халқ комиссари 1917 йилда Турар Рисқулов бўлган.

⊙ ЭНГ биринчи жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири Ҳаким Зоҳидович Зоҳидовдир. У ўз фаолиятини 1947 йилдан бошлаган.

⊙ Биринчи туғруқхона 1906 йилда хайрия жамияти томонидан Йўлдош Охунбобоев кўчасида қурилган бўлиб, бу муассасада маҳаллий миллат вакиллари дояликка ўргатилган.

⊙ Биринчи шифохона 1912 йилда Асфандиёрхон томонидан Хива шаҳрида бунёд этилган.



⊙ Жарроҳлардан биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Носир Содиқович Хўжаевдир. Моҳир шифокор бундай унвонга 1969 йилда сазовор бўлган.

⊙ Жумҳуриятимиздаги биринчи рентгенолог тиббиёт фанлари номзоди Зикрилла Эгамбердиев ҳисобланади.

⊙ Шуниңгдек, у тиббиёт соҳасида ЭНГ кўп илмий-оммабоп китоблар нашр этган (30 дан ортиқ) шифокордир.

⊙ Жумҳуриятимиздаги биринчи шифокор аёл сифатида Мария Ивановна Шишованинг номи рўйхатда қайд этилган.

⊙ Ўзбекистондан СССР тиббиёт Фанлари Академиясининг биринчи мухбир аъзоси З. Умидовадир.

⊙ «СССР халқ врачи» деган шарафли номга биринчи бўлиб Эргаш Илёсов сазовор бўлган.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Ажиб ҳангома

Масал

Ола-тасир, шовқин-сурон, ҳа-бўл тўқайда,
Телбасимон югурардн жонворлар ҳар ён.
Илгариги жим-житгина кун кўриш қайда!
Юқоридан келган эмиш қандайдир план!
Юз эллик бош тери берсин Бўри ҳар ойда,
Тулки эса ўн беш тонна товуқнинг патн.
Ўттиз бочка асал бериб келтирсин фойда,
Дейилганмиш Айиқвойга. Қайдан топадн!
Қуёнбойда йиғирма қоп сабзи планн,
Бўрсиқ эса келтирсинмиш уч юзта сичқон,
Каламушга тушган эмиш саксон ботмон дон,
Ҳар кун юзта бақа тутсин, дептн Илонни.
Паррандаю дарраидалар ҳангу манг, ҳайрон:
Бунақа гап бўлмасдн-ку ахир, ҳечқачон!
Жонвор бор-кн қорни тўйнб, кунн ўтса бас,
Боласинн боқса бўлди — бошқасин, билмас.
Қайдан келдн бу дахмаза, бундай янгилик!
Ҳатто Шер ҳам тутсин эмиш юзтадан кийик...
Ва инқоят очилдн-ку бу ишнинг сирн:
Бир мажлисбоз — қурук қоралаш пирн —
Одамларнинг калласинн қотирган чунон—
Жонворлар-чун тузворибдн шунақа план...
«Ҳе, ўргилдим», деб жонзодлар тарқалдн шу он.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.



Бурчмулла манзараси.

С. Маҳкамов сурати.

Ҳаёт ва ҳаётий

Ҳа, она икки ойдан кейин касалхонадан чиқди. У ўз саҳовати билан эри ва фарзандларининг қалбига эзгулик оловини ёқдим, деб ўйлаганди. Аммо бу орзуси ҳам сароб бўлиб чиқди. У бутун умри давомида тийинлаб, сўмлаб тўплаб ўғли номига 3000 сўм пулни жамғарма банкига қўйган эди. Не қулоқ билан эшитсинки, эр-хотин уни олиб, харжлаб қўйишибди.

— Невараларим тўйига сарфларсан, деб ўйловдим, — деди она ўксиниб. Шу бир оғиз гап ўғлининг ҳам, келинининг ҳам қонини қўпиртириб юборди. Айниқса, келиннинг оғзидаги жияк йиртилгандай, эшитса илон пўст ташлайдиган ҳақоратларга қайнона аранг чидаш бериб турарди. Хуллас, жанжал ниҳоясида Турсуной опа келинидан калтак ед, тағин касалхонага тушди. 1989 йил 3 апрелда рўй берган жиноий иш юзасидан орадан беш кун ўтгач, медицина хулосасини чиқарган эксперт Т. И. Гусейнов актида шундай дейилади: **«Тиғсиз буюм билан урилган танада кўкарган излар қолган. Бу — енгил тан жароҳати туркумига киради».**

Собиқ эрнинг гиж-гижлаши, хотинининг ҳар хил ундовлари туфайли ўғли онага чап кўзи билан қарайдиган бўлиб қолганлиги учун ҳам Турсуной опа ўзи туғилиб ўсган, ўзи тиклаган ва бутун умр бўйи шу ҳовлида яшаган қадрдон қулбасига киролмайдиган бўлиб қолди. Мана, уч йилдан буён у дуч келган жойда ётиб-туриб юрибди.

Тилимиздаги «Қарс икки қўлдан чиқади» деган бир ибратли ҳақиқатни ҳаммамиз яхши билган ҳолда келинг, азизлар, Турсуной опа ҳақида энди сўз навбатини аянинг маҳалладошлари, танишбилишлари, рўй берган воқеаларнинг бевосита иштирокчиларига берайлик:

«Ўзбекистон Жумҳурняти прокурори Б. Мустафоевга!

Мен Янгнобод мавзесидаги Миршаропов маҳалласида Ҳамза район ич-ки ишлар бўлимининг участка вакили бўлиб ишлайман. 1987 йил май ойидан буён Айриева кўчасидаги 101-уйда истиқомат қилувчи Бердиевлар оиласи можароларини тинчита олмаяпман. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Турсуной опанинг собиқ эри Жонон Бердиевни бу ҳовлидан маъмурий йўл билан кўчириб юборишдан иборат, деб биламан. Шу масалада ёрдам беришингизни сўрайман.

И. ҚОРАБОЕВ,
Миршаропов маҳалласининг участка инспектори».

«Ҳурматли муҳарририят! Маҳалла комитетининг ушбу қарорини Сизларнинг ихтиёрингизга ҳавола қилаётирман:

Уртоқлик суди аъзолари иштирок этган маҳалла комитетининг йиғилиши (жами 36 киши) қарор қилади.

1. Маҳаллада осойишталик ўрнатишнинг ва уч йилдан буён давом этиб келаётган Бердиевлар оиласидаги жанжалга барҳам беришнинг бирдан-бир тадбири сифатида собиқ эр уй эгаси Турсунойга ҳовлини қайтариб бериб, бу хонадонни тарк этсин.

2. Келин ва куёв ғурури поймол этилган онадан ўз қилмишлари учун узр сўрашсин ва фақат она розилиги билангина оилага қайтишга рухсат берилсин.

3. Собиқ эр-хотин ўртасидаги мулкий низони ҳал этиш қонун ҳукмига ҳавола этилсин.

Миршаропов маҳалла комитети раиси: С. САИДХЎЖАЕВ.

Маҳалла котиби:
А. ҚАЮМОВ».

«Яхши қўшнимиз. Уйидан ҳайдалгач, анчагача бизникида ётиб-туриб юрдилар. Энди қаердалар, билмаймиз. Ҳарқалай, кекса ва ногирон Турсунойга яхши бўлмади.

Қ. ҚОБИЛОВ,
ён қўшниси».

«Бировимиз йўталсак ҳам чопқиллаб Турсуной опаникига чиқардик. Ҳеч йўқ демасдилар, дарров тиббий ёрдам кўрсатишга шошилардилар. Ҳозир биз у кишини йўқотиб қўйдик.

П. ҒОЗИБОЕВА,
Л. ИНОЯТОВА,
маҳалладошлари».

«Турсуной опани баъзилар ҳадеб нолийверадиганлар тоифасига қўшишади. Бу фикрга мен асло қўшилмайман. У киши ниҳоятда инсонпарвар аёл. Унинг елиб-югуриши туфайли бир пайтларн маҳалламиз кўчаларига асфальт ётқизилиб, электр нури билан чарағон этилган эди. Муштдай ҳолига одамларга ҳали ҳам нафи тегиб турибди.

Т. АҲМЕДОВ,
жабрдийданинг ҳаммаҳалласи».

Шу фикрларнинг ўзи митти аяхонимиз қиёфасини рўй-рост белгилаб турибди. Ким билан суҳбатлашсак, ҳамма бирдай «Ҳамиша онахонимизга жабр бўлди», деган гапни тилга олади. Лекин кекса онанинг ҳозирги аҳволига Ҳамза райони раҳбарларидан бирортасининг нега энди юраги ачишмайди? Ж. Бердиевнинг жиловини тортиб қўядиган бирор ташкилот наҳотки районда топилмаса?

Биз ўғил ва келин шанига таъна тошларини отмай қўяқолайлик. Аммо ҳар эҳтимолга қарши сўрадик:

— Агар фарзандларингиз сизга бағрини очсалар, талпиниб борармидингиз?

Ая кўзларига ёш олди. Буни биз бошқача тушунибмиз:

— Қаттиқ ранжибсиз-а, ая?

— Йўқ, йўқ, невараларимни соғиндим! Ўғлим ҳам кичкинтойлигида менга жуда меҳрибон эди...

Абдулла НУРИМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

24 сентябрдан 30 сентябргача

Душанба, 24

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Китоб — бизнинг дўстимиз». Жумҳуриятда болалар китоби ҳафталиги ҳақида.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.25 Кинолавҳа.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Буюк муҳаддис». Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Суянчим — шеърият». Шоира Зулфия Бобоева.
21.30 «Ахборот».
21.50 «Қушлар галаси». Телефильм.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув (такрор.).
19.05 «Спринт». Спорт хабарлари (рус тилида).
19.20 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Лопе де Вега. «Шаддот қиз». Комсомольск-Амурдаги шаҳар драма театрининг спектакли. I-қисм (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Руафзо». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Асадулло Атоуллоев куйлайди.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Она ва бола».
22.40 «Чеҳраи ҳунар». Кинорежиссёр Марворид Қосимова.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Бодринглар қироли йўқолсин». К. Нестерлингер эртаги асосида телевизион спектакль.
9.25 Футбол шарҳи.
9.55 «Райнис. Кумушранг нур». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Рига).
10.55 «Ҳайвонот оламида».
12.00 «Время».

* * *

16.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
18.00 «Время».
18.30 А. Левшин куйлайди.
18.40 «Биз ва иқтисодиёт».
19.25 «Ер—она масканимиз» фотоконкурси.
19.30 Томошабинларларнинг талабларига биноан. «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия (Бразилия).
20.30 «Время».
21.00 Коллаж.
21.05 Футбол шарҳи.
21.35 «Оққуш қўшиғи». Телевизион фильм-спектакль премьераси.
23.00 «Бизнинг мерос». Франция учрашувлари.
23.50 «ТСН».
00.05 «Воқеалар ва фикр-мулоҳазалар». Совет ва Англия жамоат арбобларининг телемулоқоти.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 24 сентябрь куни МТ II кўрсатувлари соат 16.30 дан бошлаб кўрсатилади.

● МТ II

16.30 «Бир киши ҳамма учун». Фильм-концерт («Лентелефильм»).
17.10 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Трошкин фильмлари. «Максималистлар» («ЦСДФ»).
17.30 «Меҳр-шафқат макони». Москвадаги Марфа-Марьинск монастири ҳақида.
18.00 «Время» (сурда таржимаси билан).
18.30 «Телевизион ... немент». Композитор ... пай билан концерт...
19.30 Тунингиз хайр... кичкинтойлар! «Ин... хон». Мультфильм.
19.45 «Ношукурлик». ... бадиий фильм (Поль...
20.35 Ф. Ҳурматова ... даги чолғу ансамб... Қозондан кўрсатилади.
20.55 Теннис. Дэвис ... — Испания терма ... ри.
21.55 Футбол. СССР ... «Динамо» (Киев) — ... рец».

Сешанба, 25

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Физика. Модда тузилишининг молекуляр кинетик назарияси асослари.
12.00 «Ҳунармандлар». Телефильм.
12.30 Математика. Натурал сонлар.
13.00 «Дадиллик учун юз грамм». Бадиий фильм («Мосфильм»).
14.15 «Куйлар учрашганда». Фильм-концерт.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбек тилини ўрганамиз» (такрор.).
18.40 «Хўтикча бўлган экан». Мультфильм.
18.50 Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ассалом, театр». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон Ёш томошабинлар театрларининг I фестивали.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Дутор ва танбур тароналари.
21.30 «Ахборот».
21.50 «Хотира». Манзарали фильм («Ўзбектелефильм»).
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Джаз панорамаси (рус тилида).
18.35 Татар куйларидан концерт.
19.15 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Лопе де Вега. «Шаддот қиз». Комсомольск-Амурдаги шаҳар драма театрининг спектакли. 2-қисм (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Чашма». Куйбишев ноҳияси.
21.40 «Сирена». Фрунзе ноҳиясидаги «Лола» кооперативи.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Дон Кихот». Тожикистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Фаррух Рўзиматов иштирокида С. Айний номли академик опера балет театрининг спектакли.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Оққуш қўшиғи». Телевизион фильм-спектакль.
9.30 «Бу бўлган... бўлганди...».
9.50 «Александр Арутюнян. Композитор портретига чизгилар». Фильм-концерт (Ереван).
10.50 Болалар соати (немис тили дарси билан).
11.50 Коллаж.
12.00 «Время».

* * *

16.20 «Бор бўл, мусиқа!».
17.00 «Олис, олис жанубда». Мультфильм.
17.10 «Илмий хабарнома».
18.00 «Время».
18.30 Долзарб интервью.
18.40 «Вопросы истории» ойномасининг таҳрир ҳайъати билан учрашув.
19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия.
20.30 «Время».
21.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
23.00 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «Сеҳрли ўлка. Кўзни қувонтириб». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев).
8.35, 9.45 Мусиқа. 4-синф. Рус халқ чолғулари.
8.55 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Жуғрофия. 7-синф Ерда табиатнинг хилма-хиллиги.
11.05 Рус тили.

*

12.05 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Экран»).
13.10 «Чашмалар».
13.40 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ҳаёт чизиғи». 1-серия («Мосфильм»).

* * *

16.30 «Тўлқинлар амри билан». Концерт.
16.50 Ритмик гимнастика.
17.20 «Бойчечак». Болалар бадиий коллективларининг концерти.
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 Мультфильм.
18.40 Парламент аъзолари Останкинода.
19.30 Тунингиз хайр... кичкинтойлар! «Тар... амри маҳол». Мульт...
19.45 Коллаж.
19.50 «Қабул қилинган ... нинг юксаклиги». Во... лашган авиаотряди ...
20.20 «Вертикаль». «Ка... оҳанглари». Телевиз... жатли фильм ... Озарбайжон ССЖда ... кўрсатган артист, ... композитор Вагиф ... да ҳақида (Боку).
21.10 СССР Олий Совет... сида.
22.10 РСФСР Олий Совет... сининг кундалиги.
23.10 «Касби — терговчи». ... серияли телевизион ... фильм. 1-серия.

Чоршанба, 26

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Биология. Турлар мезони ва структураси.
12.00 «Рушана Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
12.25 Кимё. Кимёвий реакцияларнинг турлари.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Зор-интизор». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Д. Зокиров номидаги Ўзбекистон Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.20 «Мокшадаги қўриқхона». Телефильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Асрлар оша...». Камолиддин Беҳзод.
21.25 Тижорат хабарлари.
21.30 «Ахборот».
21.50 «Куз лавҳалари». Телефильм.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Жар ёқасида». Телефильм.
18.30 Касблар ҳақида суҳбат (рус.).
19.00 Тошкент хабарлари.
19.10 «Меҳрибон одамлар орасида». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув.
23.10 «Ён дафтарча сири». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Тулки ва Бўри». Мультфильм.
8.15 «Бор бўл, мусиқа!»
8.55 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Время».

* * *

16.15 Қалмиқ АССР Давлат «Лола» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.30 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия.
20.30 «Время».
21.00 «Матбуот клуби» кўрсатуви. Танаффус пайтида — Коллаж.
23.05 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Адам ва Мариля». Ҳужжатли фильм.
8.35, 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11-синф. Алгоритмлар плюс робот.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Адабиёт. 7-синф. Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба».
11.05 Вивлиофика. 1-кўрсатув.

*

12.05 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.10 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ҳаёт чизиғи». 2-серия.
15.15 «Бекинмачоқ». «Биз қандай дам олаяпмиз» туркумидан.
15.45 Сергей Есенин ватани қўшиқлари.
16.30 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
16.40 «Мис тоғ бекаси». Мультфильм.
17.00 Белоруссия ССЖ Давлат телерадиоси. «Виолончелист ҳаётидан» (Минск).
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 Ҳаракат хавфсизли...
18.35 «Биз яшаётган ... жиссёр В. Трошкин ... «Ишсизлар» («ЦСДФ» ... ижодий бирлашмаси).
19.25 Коллаж.
19.30 Тунингиз хайрли ... кичкинтойлар! «Кўрга...
19.45 «50х50». Телешоу.
21.15 СССР Олий Совет... сида.
22.15 РСФСР Олий Совет... сининг кундалиги.
23.15 «Касби — терговчи». ... серияли телевизион ... фильм. 2-серия.
00.20 «Хайрлаша туриб ... В. Пономарева куйла...

Пайшанба, 27

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Ботаника. Ўсимликлар. Уларнинг мавсумий ўзгаришлари.
12.00 «Ишлар қалай, раис». Телефильм.
12.30 Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё маданияти.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Меҳрибон одамлар орасида». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Фанга бағишланган умр». Профессор Г. Ҳидоятов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан.
18.45 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм. 1-серия.
18.55 «Алифбо сабоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Камолат сари». Абдулла Тиллаев.
21.30 «Ахборот».
21.50 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Сайёра» ансамблининг концерти.
18.40 Экранда — кинокомедия. «Қайнона» («Озарбайжонфильм»).
19.55 «Миришкорлар».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон ССЖ Давлат телерадиоси яккахонлари иштирокида мусиқий кўрсатув.
21.40 Ҳужжатли фильм.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Маърифат». Адабий кўрсатув.
23.10 «Асса». Бадиий фильм. 1-серия.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Энг каттаси». Мультфильм.
8.25 «Пари бўсаси». И. Стравинский мусиқаси асосида фильм-балет.
9.10 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
10.05 Бурятия АССР Давлат «Байкал» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.50 Коллаж.
12.00 «Время».

* * *

16.00 Болалар учун фильм. «Шок ва Шер» («Қозоқфильм»).
17.05 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Хорда куйловчилар». Телевизион ҳужжатли фильм («Союзтелефильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).
18.00 «Время».
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 Шеърият лаҳзалари.
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 14-серия.
20.30 «Время».
21.00 «Кинопанорама».
22.30 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «И. С. Тургенев. Насрий шеър». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.45 Табиатшунослик. 5-синф. Сайёрамиз — Ер.
8.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Физика. 8-синф. Табиатда ва техникада иссиқлик узатиш.
11.05 Вивлиофика. 2-кўрсатув.

*

12.05 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.15 «Фемида тарозиси». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси).
13.40 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ҳаёт чизиғи». 3-серия.
14.45 «Хотиралар билан яшашимизга ҳали бор». РСФСР халқ артисти Э. Пьеха ижоди ҳақида фильм-концерт («Лентелефильм»).
15.30 «Зардўзлар». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).
15.40 Иркутск оҳанглари.
16.30 Ритмик гимнастика.
17.00 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади (домра).
17.15 «Классик рақс». Москва шаҳри болалар рақс коллективларининг концерти.
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 Коллаж.
18.35 Барокко Европа ... нинг концерти. Дир... Рой Гудмен (Буюк Бри...
19.10 «Таълим ва халқ ... ти». Ҳужжатли фильм ... си (Қуйи Волга кино... студияси).
19.30 Тунингиз хайрли ... кичкинтойлар! «Биздан...
19.45 А. Барикин ва «Ка... группаси концерти.
21.00 СССР Олий Совет... сида.
21.30 РСФСР Олий Совет... сининг кундалиги.
22.30 «Касби — терговчи». ... серияли телевизион ... фильм. 3-серия.
23.40 Хоккей. СССР чем... МАСК — «Динамо» ... 2 ва 3-даврлар.

Жума, 28

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганамиз?
12.00 «Кунгурлик рассом», «Венециядаги карнавал». Манзарали фильмлар.
12.30 Ўзбек совет адабиёти. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Қайнона». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм. 2—3-сериялар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзадлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Пахтани ёнғиндан муҳофаза қилайлик!»
20.20 Тижорат хабарлари.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Мақом кечаси.
21.30 «Ахборот».
21.50 «Маош куни». Телефильм.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Ўзбекистон Давлат телерадиоси хорининг концерти.
18.30 «Навоийхонлик» (рус тилида).
19.00 «Пульс». Информацион кўрсатув (рус тилида).
19.10 «Бурда-моден» Тошкентда (рус тилида).
20.10 «Адолат Акбарова рақсга тушади». Фильм-концерт.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Гулчин». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув.
23.10 «Асса». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Сеҳрланган сўз». Мультфильм.
8.10 Жаҳон халқлари ижоди.
8.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.25 «Кинопанорама».
10.55 «Қойил, Паваротти».
12.00 «Время».

* * *

16.00 «Телевидение — болаларга». Болалар учун телепрограммалар I Бутуниттифоқ фестивали якунлари ҳақида.
17.00 «Маньчжурия». Телеочерк.
18.00 «Время».
18.30 «Агар сиз...».
19.15 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 15-серия.
20.30 «Время».
21.00 Коллаж.
21.05 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра.
21.15 «Бу бўлган.., бўлганди...».
21.45 «Олтин хазина»дан. И. Л. Андроников. «Катта зал ҳақида хотиралар».
23.15 «Яшасин, одамлар!» «Нигеҳ» программасига илова.
00.15 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Менинг ҳаётим — Россия». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 5-синф. Москва — Рус давлатининг пойтахти.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.45 Адабиёт. 6-синф. Масал ҳаёти.
11.00 Эрудитлар учун разминка.

*

12.10 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
14.00 «Биз русча сўзлашамиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Туркманистонда рус тилини ўрганиш муаммолари ҳақида (Ашхобод).
14.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Учиш кечиктирилади» («Мосфильм»).

* * *

16.30 «Москва—Сиэтл». Мусиқий лавҳа.
16.55 «Москвалик таъмирловчилар ҳузурида». И. Грабарь устахонасида.
17.10 «Характерли рақс». Москва шаҳри болалар рақс коллективларининг конкурси.
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Буюк Петр». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.30 Тунингиз хайрли ... кичкинтойлар! «Биз ма... миз».
19.50 Спорт ҳамма учун.
20.05 «Тошдаги жилолар... лик ўймакор усталар ... ҳақида телевизион ... фильм.
20.15 Коллаж.
20.25 К.-А. Кулька чалади ... ка, Польша телевидение...
21.00 СССР Олий Совет... сида.
21.30 РСФСР Олий Совет... сиясининг кундалиги.
22.30 «Касби — терговчи». ... серияли телевизион ... фильм. 4-серия.
00.20 Футбол. СССР чем... «Спартак» — «Арарат».

Шанба, 29

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

9.00 «Инсон тақдири». Бадиий фильм («Мосфильм»).
10.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Наманган гуллари».
11.30 «Ҳужжатли экран». «Ўзбектелефильм» ижодкорлари — студиямиз меҳмони».
12.30 З. Фатхуллин. «Кумуш тўй». Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳияси халқ театрининг спектакли.
13.40 «Қўшиқ айтиш орзум менинг». Имямин Қирғизов ва Юсуфжон Юсупов.

Тижорат кўрсатуви

14.30 «Попнинг бир куни». Поп ноҳиясидаги 36-ўрта ҳунар техника билим юрти ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Топилмалар бюроси». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ҳамза мукофотига номзадлар. Мусаввир Акмал Икромжонов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Кўп нуқталар...». Миллатлараро муносабатлар муаммолари.
10.55 «Тарту мусиқа кунлари». Фильм-концерт.
11.30 «Учиш чизиғи». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Лабиринт». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув.
18.50 «Қадри сухан». Ёшлар насри.
19.30 «Новости».
19.45 В. Гюго. «Соли наваду сеюм». Теленовелла премьераси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Концерт заллари бўйлаб». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор»нинг махсус сони. Тожикистон Компартияси XXI съездида.
22.40 «Учиш чизиғи». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда.
8.30 Мультфильмлар: «Ўрмон эртаклари». 1 —2-фильмлар.
9.00 «Партнёр». Тижорат хабарномаси.
9.30 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
10.30 Машинасозлар кунига. «Машинасозликда прогрессив технологик жараёнлар». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Техномаш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси).
10.40 «Муҳофаза ёрлиғи». «Бу тўқ олчаранг шол рўмол...».
11.10 «Бурда моден» таклиф этади...».
11.40 Останкино концерт студиясида фалсафа фанлари доктори Д. А. Волкогонов билан учрашув.
13.20 «Оила экрани». Кинопрограмма.
14.30 Қишки вақтга ўтиш.
14.40 «Аслида ким?» «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан.
15.55 В. А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун 2-ре мажор концерти.
16.20 «Экранда Сибирь». Киножурнал.
16.30 Буюк Британия телевидениеси оқшоми.
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 Буюк Британия телевидениеси оқшоми (давоми).
20.30 «Время».
21.00 СССР ҳукуматида.
21.10 Буюк Британия телевидениеси оқшоми (давоми).
22.10 «ТСН».
22.25 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.50 «Инжиқ малика». Мультфильм.
8.10 РСФСР шаҳарлари ... диялари. «Оналик дар... (Тюмень).
8.40 ТВ TV ҳақида.
9.35 «Пи» белгиси билан.
12.50 Коллаж.
13.00 «Ҳамдўстлик» видео...
20.15 Тунингиз хайрли ... кичкинтойлар! «Биз ма... миз».
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.00 РСФСР Олий Совет... сида.

Тунги сеанс

22.30 «Карусель». Телевизион бадиий фильм. «Полиция ... лефони «110» туркумидан.

Якшанба, 30

МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув (такрор.).

*

9.00 «Запорожец». Кичик автомобилнинг катта муаммолари». Ҳужжатли фильм.
9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Гурунг».
10.50 Самбо. СССР кубоги.
11.20 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит».
12.00 «Милициядаги ҳодиса». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». Чойхоналар ҳақида. 2-кўрсатув.
14.10 Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
14.50 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

Тижорат кўрсатуви

15.25 «Дастлабки қадам». Қашқадарё вилояти Қамаши ноҳиясидаги Гагарин номли давлат хўжалиги ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Жажжи дўстларимиз саргузашти», «Оҳ, сингилгинам». Мультфильмлар.
18.30 «Кичкинтой» программаси.
19.00 «Футбол чорраҳаларида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Тижорат хабарлари.
20.00 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 Телевизион миниатюралар театри.
21.20 «Жирафа». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Офарин!» Қувноқ спорт ўйинлари.
11.35 Машинасозлар кунига бағишланган кинопрограмма.
12.20 «Мадам Вонг сирлари». Бадиий фильм.

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси.
18.55 «Мадам Вонг сирлари». Бадиий фильм.
20.30 «Ҳафта». Информацион кўрсатув.
21.00 «Таронахон шоди». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ф. Ансорий. «Ҳукми модар». Телевизион спектакль.
23.25 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Здоровье».
13.45 Сиёсий мулоқотлар. «Галерея».
14.15 Бейсбол, жирафалар, рус кантрлари ва ҳоказолар. 2-кўрсатув.
15.15 Эртак ва саргузаштлар оламида. «Гулливер саёҳати». Бадиий фильм (АҚШ).
16.15 Педагогика ҳамма учун.
17.15 «Ер—она масканимиз» фотоконкурси.
17.20 «Монастирь нозири». Олимпия Псков-Печерск монастирининг негумени ҳақида.
17.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
19.00 1990 йил қўшиқлари.
20.20 «Филипп Траум». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ленфильм», «Совэкспортфильм», «Чехословак фильм-экспорт»и ҳамда «Краткий фильм» (Прага) студиялари иштирокида).
21.30 «Время».
22.00 «Филипп Траум». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.05 Оддий ва мангулик ҳақида.
23.20 «П. И. Чайковскийнинг 100 та романси».
23.40 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак»

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Ёқутистон олмослари». Болалар хореографик ансамбли ҳақида.
9.15 Машинасозлар кунига. Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Лада» Францияда» (Куйбишев шаҳри), «Хўжалик иши».
9.55 Б. Туманян куйлайди.
10.30 «Экранда «01» хизмати». Ёнғинни олдини олиш ҳақида фильмлар.
10.50 «Сизга телеграмма...». Телевизион бадиий фильм («Молдова-филм»).
12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.00 «Халқ ижодиёти» видеоканали.
14.55 Коллаж.

●

15.00

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

●

17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 «Чўлни қутқариш». Ҳужжатли фильм. «Она-замин ташвишида» туркумидан.
19.00 «Киносерпантин». «Фестиваль».
20.30 Тунингиз хайрли ... кичкинтойлар! «Эртак ... эртак...».
20.45 «Киносерпантин». ... бирь экспресси».
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.00 РСФСР Олий Совет... сининг кундалиги.
23.00 «Киносерпантин». ... Марк Захаров таклиф...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») орган Ташкентского Компартии Узбекистана Городского Совета народных путатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ... нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси ... шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград... часи, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — ... 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус ... мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д... 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.